

ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИГА КЎЧАТ ЭКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**А.А.Акрамов – магистратура талабаси,
И.Т.Эргашев – илмий раҳбар, профессор**

Ўзбекистонда арид (қурғоқчил) минтақалар яйловлари қоракўлчилик, туячилик ва йилқичилик учун асосий озуқа манбаи бўлиб, умумий ер майдоннинг 80% ни ташкил этади.

Бу яйловларнинг ҳосилдорлиги йиллар ва мавсумлар бўйлаб ўзгариб боради, 1,5...3,0 ц/га дан ошмайди. Озуқаларнинг тўйимлилиги баҳордан куз-қиш мавсумларигача кескин пасайиб кетади.

Ҳозирги кунда чўл яйловларидан тартибсиз ва меъёридан ошириб фойдаланиш оқибатида уларнинг нафақат ҳосилдорлиги пасайиб бормоқда, турлар хилма-хиллиги ҳам камбағаллашмоқда: жумладан, бўталар, яримбўталар, кўп йиллик ўтчил турлар ўрнини кам ейиладиган ва бегона турлар (адраспан, кўзикулоқ, қилқон, қилтиқ ва ҳ.к.) эгалламоқда. Умуман олганда, табиий яйловлар сезиларли даражада инкирозга учрамоқда, чўлланиш жараёни кучаймоқда, тупроқ ва ўсимликлар деградацияга учрамоқда.

Республика бўйича қоракўлчилик яйловларининг ҳозирги даврдаги ҳолатига комплекс баҳо берадиган бўлсак, уларнинг 58%-яхши яйловлар, 17%-ўрта, 10%-қониқарли ва 12%-яроқсиз яйловлар деб тан олиниши мумкин.

Яроқсиз ва қониқарли деб топилган яйловларни фитомелиоратив ўсимлик кўчатларини экиш йули билан яхшилаш мумкин.

Ҳозирги кунда чет элда барпо этиладиган ўрмонларнинг 80% кўчатлар ёрдамида амалга оширилади. Кўчатлар ёрдамида ўрмонлар барпо этиш, уруғ ёрдамида экилиб ўрмонлар барпо этишдан кўра бир неча афзалликлари мавжуд. Кўчат ёрдамида барпо этилган ўрмонлар тезроқ фойдаланиш имконини беради, чунки кўчатлар биринчи йил махсус жойларда етиштирилади. Бундан ташқари экилган кўчатлар бошқа мавжуд ўсимликлар томонидан кўрсатадиган таъсирларга бардошлироқ бўлишади. Кўчат етиштириш учун уруғ сарфи 5-7 баробарга камаяди.

Аммо кўчатларни ўтқазиш учун мураккаб машиналар талаб қилинади. Бу машиналар бир ўтишда тупроққа ишлов бериши, кўчатни ўтқазиши ва уларни талаб даражасида кўмиб, тупроқни зичлаши лозим.

Қозғистон олимлари томонидан янги кўчат экиш агрегати лойиҳаланган ва 6 хил вариантда синовлардан ўтказилган. Биринчи вариантда 20 см чуқурликда марзалар шимол томонга қаратиб ҳосил қилинади; иккинчи вариантда биринчи вариант каби бўлиб ҳосил қилинган марзаларга қум ташланиб чиқилган; учинчи вариантда тупроқ лентасимон ҳолатда кенглиги 35 см бўлиб 40 см чуқурликга ишлов берилган; тўртинчи вариантда тор қаторлаб ишлов берилиб, қамраш кенглиги 20 см ва ишлов бериш чуқурлиги 20-25 см ташкил этган; бешинчи вариантда 20-25 см чуқурликда ва диаметри 30 см бўлган чуқурчалар ҳосил қилинган ва бу чуқурчаларга қум солинган. Олтинчи вариант назорат бўлиб хизмат қилган. Фенологик кузатувлар натижалари бўйича иккита вариантда яхши натижалар олинган, бу марзалар ҳосил қилинганда ва чуқурча ҳосил қилиниб экилган майдонларда кузатилган.

Кўчат экиш учун Россия федерациясида МЛУ-1 машинаси кенг фойдаланилади. Бу машина игна баргли кўчатларни тўрт қаторлаб экади.


Бундан ташқари ҳозирги кунда СЛГ-1 ўрмон барпо этиш машинаси ҳам кенг фойдаланилади. Бу машинанинг асосий ишчи органи дисксимон сошник ҳисобланади. Бу машина ёрдамида намлиги юқори бўлган тупроқларда кўчат ўтқазиш мумкин.

Аммо бу машиналар чўл шароитида ишлаш учун мўлжалланмаган.


Ушбу мақсадлар учун қуйида келтирилган технологиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (расм).

Расмдан кўриниб турибдики, кўчат ўтқазиш жараёни 7 босқичдан иборат. Ҳар бир босқич учун камида биттадан ишчи орган талаб қилинишини инобатга олсак, ҳар бир қатор учун кетма-кет жойлашган 7 та ишчи орган талаб қилинади. Бу ерда машинани


ихчамлаштириш учун баъзи жараёнларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, арик ичи тупроғини юмшатиш ва юқори қатламдаги ўсимликларни илдизини кесиш жараёнларини бирлаштириш мумкин.




Тупрок палахсасини кесиш, уни ён томонларга айлантириб ташлаш ва арикча ҳосил қилиш.




Арикча ичига талаб қилинган чуқурликда ишлов бериш.




Фитомелиоратив ўсимликлар экиладиган кенгликда мавжуд ўсимлик қатламини йуқотиш




Тупроқни ёнга суриш натижасида кўчатни жойлаштириш учун арикча ҳосил қилиш



Фитомелиоратив ўсимликларнинг кўчатларини ҳосил бўлган арикчага ўтқозиш



Талаб этилган чуқурликка фитомелиоратив ўсимликларини кўмиш



Фитомелиоратив ўсимликлари кўчатларининг икки ёнини зичлаш

Яйловлар ҳолатини яхшилайдиган технологиянинг иш жараёни

Ушбу масалаларни ечиш учун ҳар бир жараёни бажарадиган ишчи органи лойиҳалаш, уларнинг жойлашишини асослаш, макет намуналарини яшаш, лаборатория синовларини ўтказиш талаб қилинади. Бизнинг кейинги тадқиқотларимиз шу йўналишга қаратилган.

OQSILNING TIRIK ORGANIZMDAGI BIOLOGIK AHAMIYATI

M.Eshdavlatov – talaba, E.Xusanov – ilmiy rahbar

Оқсиллар – тирик организмлар таркибида учрайдиган, ҳаёт учун juda зарур бўлган ҳамда анча мураккаб тuzilishga ega бўлган бирикмалардир. Улар хужайраларда коллоид эритмалар ҳолида тарқалган, yuqori molekulyar azodli organik moddalardir.